

Нурматов Сирожиддин Султанмуратович  
«Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё тиллари»  
кафедраси докторанти, филология фанлари номзоди  
Тошкент давлат шарқшунослик институти

## СОНЛАРГА ХОС ФОНЕТИК ХУСУСИЯТЛАР (ПРАКРИТ ТИЛЛАРИДАГИ БИРЛИКЛАРГА ОИД СОНЛАР МИСОЛИДА)

Ушбу мақолада ўрта ҳинд-орий тилларига хос бўлган пракрит тилларидаги сонларга оид лексик бирликларнинг фонетик хусусиятлари ўрганилади ва уларнинг ўзига хосликлари тадқиқ этилади. Қадимги ҳинд-орий тиллари давридан то ўрта ҳинд-орий тиллари даврига ўтиш жараёнида содир бўлган фонетик жараёнлар таҳлил қилинади.

Илмий асарларда қайд этилишича, ўрта ҳинд-орий тиллари даври таҳминан мелоддан аввалги биринчи минг йилликнинг ўрталаридаги табиий ўзгаришлар натижасида ривож топган халқ шеваларининг аввало сўзлашув, сўнгра эса ёзма алоқада юритилишининг инъикоси ҳисобланади. Ўрта ҳинд-орий тиллари даврида даставвал палий, сўнг пракритлар (яъни табиий тиллар) ва апабҳаранша (яъни бузилган) номли тиллар таркиб топган. Апабҳараншалар пракритлар тараққиётининг натижаси сифатида янги ҳинд-орий тилларига қараб ўтиш босқичини акс эттирган<sup>1</sup>.

Мазкур мақолада ўрта ҳинд-орий тилларига хос бўлган пракрит тилларидаги сонларга хос лексемалар таҳлилга тортилди. Бунда асосан бирликларга оид сонлар камраб олинди. Ўрта ҳинд-орий тилларидаги пракритларга хос бўлган сонлардаги фонетик жараёнларни атрофлича таҳлил қилиш мақсадида қадимги ҳинд-орий тилларига хос бўлган сонларнинг шакллари ҳам қиёсан ўрганилди.

Қадимги ҳинд-орий тилларига хос санскрит тилидаги бирликларга оид сонларни олайлик: एक (eka) – “бир”, द्वौ (dvaṃ) – “икки”, त्रीणि (triṇi) – “уч”, चत्वारि (chatvaari) – “тўрт”, पंच (pancha) – “беш”, षट् (Shat) – “олти”, सप्त (sapta) – “етти”, अष्ट (aṣṭa) – “саккиз”, नव (nava) – “тўққиз”, दश (dasha) – “ўн”. Ушбу сонлар ўрта ҳинд-орий тилларидаги пракритларда қуйидагича шаклланган: एक (ekka) – “бир”, दो (do) – “икки”, तिणि (tinni) – “уч”, चत्तारि (chattaari) – “тўрт”, पंच (pancha) – “беш”, छअ (cha) – “олти”, सत्त (satta) – “етти”, अट्ट (aṭṭha) –

<sup>1</sup> Шоматов О.Н. Жанубий Осиё тилларига кириш. I қисм. -Т.: ТошДШИ нашриёти, 2003. -Б. 33.

“саккиз”, णव (Nava) – “тўққиз”, दस (dasa), दह (daha), डह (Daha), लह (laha) – “ўн”<sup>2</sup>.

Олимларнинг илмий асарларида пракрит тилларига хос бўлган “бир” санок сонига **एक** (ekka) ўрнига **एअ** (ea) кўринишидаги бирликларга оид лексема шакланган, деган фикрлар ҳам учрайди<sup>3</sup>. Чунки, ўрта ҳинд-орий тиллари даврида битилган кўпгина ёзма ёдгорликларда “бир” лексемасининг **एअ** (ea) шакллари ҳам учрайди. Бироқ, шундай бўлишига қарамай санскрит тилидаги **एक** (eka) шаклига, пракрит тилларига келиб яна битта “क” (k) ундош товуши қўшилган. Натижада унинг шакли **एक** (ekka) кўринишига эга бўлган.

Бирликларга оид “икки” санок сонига хос лексема **दो** (do) шаклига эга бўлиб, у қадимги ҳинд-орий тилларига мансуб санскрит тилидаги **द्वौ** (dvaṃ) шаклидан фарқли равишда эканлиги кузатилади. Демак, пракрит тилларида фақатгина **द** (d) товуши сақланган. **व** (v) ундош товуши билан **औ** (au) дифтонгига хос унли товуш йўқолиб, натижада **ओ** (o) унлиси содир бўлган.

“Уч” санок сони пракрит тилларида **तिग्णि** (tinni) шаклига эга. Ушбу лексема санскрит тилида **त्रीणि** (triṇi) шаклида қўлланилган<sup>4</sup>. Санскрит тилидаги узун **ई** (ī) унлиси қисқа **इ** (i) унлисига ўзгарган. **त** (t) ва **र** (r) бирикмасига хос **त्र** (tra) шаклидаги **र** (r) йўқолиб, фақатгина **त** (t) товуши сақланган. **ण** (ṇ) ундош товушида ҳам фонетик ўзгариш содир бўлган. Практик тилларига келиб **ण** (ṇ) товушининг бирикиши натижасида, лигатура **ण्ण** (ṇṇ) ҳосил бўлган.

Практик тилларига хос бўлган **चत्तारि** (chattaari) – “тўрт” санок сони қадимги даврда **चत्वारि** (chatvaari) шаклида бўлган<sup>5</sup>. Ўрта ҳинд-орий тиллари даврига келиб **व** (v) товушини ўрнига **त** (t) товуши ҳосил бўлган. Бошқа товушларнинг барчаси сақланиб қолган. Практик тилларидан апабҳараншага ўтиш жараёнида эса **त्त** (tt) лигатурага хос ҳарфлар бирикмаси йўқолиб, натижада **य** (ya) товуши ҳосил бўлган (**चयारि** - chayaari).

<sup>2</sup> भोलानाथ तिवारी - हिन्दी भाषा। -इलाहाबाद, 1972. -पृष्ठ 586.

<sup>3</sup> धीरेंद्र वर्मा -हिन्दी भाषा का विकास। -दिल्ली, 1962. -पृष्ठ 214.

<sup>4</sup> भोलानाथ तिवारी - हिन्दी भाषा। -इलाहाबाद, 1972. -पृष्ठ 588.

<sup>5</sup> Вертаградова В.В. Праkritы. -М.: Наука, 1978. -С.94.

Ўрта ҳинд-орий тиллари даврига оид пракрит тилларида “беш” санок сонига хос лексема षंच (pancha) шаклига эга. Эътиборли жиҳати шундаки, ушбу лексема қадимги ҳинд-орий тиллари даврига хос санскрит тилида ҳам айнан шундай шаклда бўлган (षंच - pancha). Кейинчалик ушбу лексема ўрта-ҳинд-орий тилларининг сўнгги тили бўлмиш апабҳараншаларда ҳам ҳеч қандай ўзгаришларга учрамаган.

“Олти” маъносини англатувчи лексема пракрит тилларида छअ (cha) шаклига эга. Санскрит тилида эса षट् (Shat) кўринишида бўлган<sup>6</sup>. “Беш” санок сонига хос лексема иккала даврда ҳам бир хил шаклга эга бўлган бўлса-да, бироқ ушбу сонда эса мутлоқ турли хил шакллар кўзга ташланади. Практик тилларида ҳам, қадимги ҳинд-орий тилларида ҳам уларнинг шаклари турлича. Янги ҳинд-орий тилларига бориб ушбу сон छः (che) шаклига эга бўлган.

Практик тилларида “етти” санок сони सत्त (satta), санскрит тилида эса सप्त (sapta) шаклига эга бўлган. Ўрта ҳинд-орий тилларига хос бўлган пракрит тилларида санскрит тилидан фарқли равишда ष (p) товушининг ўрнига त (t) товуши содир бўлган. Натижада ष (pta)нинг ўрнига, त (tta) ҳарфлар бирикмасига оид лигатура ҳосил бўлган. Ўрта ҳинд-орий тилларининг сўнгги даврида ривож топган апабҳараншаларда ҳам айнан шу шакл сақланиб қолган (सत्त-satta).

“Саккиз” санок сони пракрит тилларида अट्ट (aTTha) шаклига эга. Ушбу лексема санскрит тилида अष्ट (aShTa) шаклида қўлланилган. Қадимги даврдан то ўрта ҳинд-орий тиллари даврига ўтиш жараёнида ट (T) товушидан олдин санскритча ष (Sh) товуши йўқолиб, ушбу ундош товушдан сўнг ठ (Tha) нафас йўли орқали талаффуз қилинадиган ундош товуши ҳам бириккан.

Бирликларга оид “тўққиз” санок сонига хос лексема णव (Nava) шаклига эга бўлиб, у қадимги ҳинд-орий тилларига мансуб санскрит тилидаги नव (nava) шаклидан фарқли равишда эканлиги кузатилади. Демак, пракрит тилларида фақатгина व (v) товуши сақланган. Шунингдек, санскритча шаклдаги оддий न (n) ундош товуши, пракрит тилларига келиб санскритча ण (N) товушига ўзгарган. Натижада णव (Nava) шакли ҳосил бўлган.

Практик тилларида “ўн” санок сони दस (dasa), दह (daha), डह (Daha), लह (laḥa) каби шакллардан ривожланган. Санскрит тилида эса ушбу лексеманинг

<sup>6</sup> भोलानाथ तिवारी - हिन्दी भाषा। -इलाहाबाद, 1972. -पृष्ठ 590.

фақатгина दश (dasha) шакли учрайди. Демак, ўрта ҳинд-орий тилларига хос бўлган пракрит тилларида санскрит тилидан фарқли равишда श (sh) ундош товушининг ўрнига स (s) ва ह (h) ундош товушлари ҳосил бўлган. Шунини таъкидлаш жоизки, ушбу лексемадаги товушлар таркибида ҳам ўзгаришлар рўй берган. Практик тилларидаги डह (Daha), लह (laha) шаклларида, दस (dasa) ва दह (daha) шаклларида қўлланилаётган द (d) товушининг ўрнига ड (D) ва ल (l) каби ундош товушлар содир бўлган.

Юқорида олиб борилган таҳлил натижаларига кўра қуйидаги умумий хулосаларга келинди:

1. Ўрта ҳинд-орий тилларига хос бўлган пракрит тилларидаги бирликларга оид лексемаларнинг шаклланишида қадимги ҳинд-орий тилларига хос санскрит тилидаги баъзи шакллар сақланган, баъзи шаклларида эса турли хил фонетик ўзгаришлар содир бўлган.

2. Таҳлил натижаларига кўра маълум бўлдики, пракрит тилларига оид баъзи лексемалар янги ҳинд-орий тилларига хос бўлган ҳиндий тили билан шаклан бир хил қолипга эга. Масалан, ҳиндий тилидаги दो (do) – “икки” санок сони, ўрта ҳинд-орий тилларига хос бўлган пракрит тилларида ҳам айнан шундай шаклга эга.

3. Практик тилларидаги баъзи сонлар уччала даврда ҳам турлича шаклларга эга эканлиги аниқланди. Қадимги ҳинд-орий тиллари даврига хос санскрит тилида “олти” маъносини англатувчи лексема षट् (Shat), ўрта ҳинд-орий тилларига хос пракрит тилларида छअ (cha) ва янги ҳинд-орий тилларига хос бўлган ҳиндий тилида छः (che) шаклларига эга. Демак, пракрит тилларидаги шакл ҳиндий тилидаги шаклга нисбатан яқин бўлиб, улар қисман фонетик ўзгаришларга учраган.

4. Эътиборли жиҳати шундаки ҳинд-орий тилларига хос бўлган тилларда санскритча ण (N) ундош товуши одатда сўзларнинг бошида деярли қўлланилмасда, лекин олиб борилган таҳлил натижаларига кўра пракрит тилларидаги “тўққиз” санок сонига оид лексема णव (Nava) шаклига эга бўлиб, ушбу сонга хос лексеманинг бош ҳарфи санскритча ण (N) ундош товуши билан қўлланилган. Таъкидлаш жоизки, гарчи ण (N) ундош товуши санскритча ҳисобланса-да, ушбу лексеманинг санскритча шаклининг ўзида бу товуш қўлланилмаганлиги кузатилади.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Вертаградова В.В. Пракриты. -М.: Наука, 1978.
2. Елизаренкова Т.Я. Исследование по диахронической фонологии индоарийских языков. -М.: Наука, 1974.
3. Кочергина В.А. Санскрит. -М.: Академической Проект, 2007.
4. Шоматов О.Н. Жанубий Осиё тилларига кириш (I қисм). -Т.: ТошДШИ, 2003.
5. धीरेंद्र वर्मा -हिन्दी भाषा का विकास। -दिल्ली, 1962.
6. भोलानाथ तिवारी - हिन्दी भाषा। -इलाहाबाद, 1972.
7. हरदेव बहरी। भाषा का विकास। -दिल्ली, 1992.